

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сурхондарё вилояти Шўрчи туман

Халқ таълими бўлими мудири

З.Хуррамов



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Шўрчи шаҳри 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

2. Техник қисм.

3. Нархлар қисми.

Танлов иштирокчиси учун йуриқнома.

1. Танлов предпети ва тахминий қиймати

1. Танлов предмети: Шўрчи туман Халқ таълим бўлимига қарашли 27-сонли мактабга смета лойиха ишлаб чиқиш ва йиғма эксперт хулосасини олиш хизмати.

1.2 Смета лойиха ишлаб чиқиш ва йиғма эксперт хулосасини олиш хизмати

№	Асосий маълумотлар
1	Смета лойиха ишлаб чиқиш ва йиғма эксперт хулосасини олиш хизматининг нархи 1-донаси 36 000 000 сўм.

1.3 Танловнинг йуқори қиймати 36 000 000 (Уттиз олти миллион) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Махсулот буйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиқган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график буйича.

1.6 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Шўрчи туман Халқ таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Мустақиллик куча 86-уй

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар товар етказиб берувчилар барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок етиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, иш(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

Шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомола ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар: Танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги.

Иловада курсатилган молиявий курсаткичларни тақдим этиш. Низом маблағи миқдори.

3.4 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиши (ажратилиш, қўшилиши), тугатиш ки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

4.2 Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нарх бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (солиқдан қарзи йуқлиги туғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслари мавжудлиги ҳақида ҳужжатлар рўйхати илова қилинади).

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим етилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошқа шартлар

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ўшбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзўйирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш туғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган

бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённамаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бажарувчи танловнинг танлаб олинган учун

ТАНЛОВ ХУҶЖАТЛАРИ